



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 28 май,
№43-44 (1010-1011)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Латвия Президенти Ўзбекистонга келди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 27 май кuni расмий таширф билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Латвия делегацияси шаҳар ташқарисидagi Кўксаройда ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Новбатдаги Ўзбекистон — Латвия олий даражадаги учрашувига Ўзбекистон Президентининг 2013 йил октябрь ойида Рига шаҳрига таширфи доирасида ўтказилган самарали давлатлараро мулоқотнинг мантикий давоми сифатида қаралмоқда.

Тошкентда томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама этидилар.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасидаги ҳамкорлари ичида ўзаро савдо ҳажми бўйича Латвия учинчи ўринда туради. 2013 йил якунларига кўра мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш 248 миллион АҚШ долларидан ошган.

Латвия Президентининг Ўзбекистонга расмий таширфи доирасидаги асосий тadbирлар 28 майга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Латвия ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор ҳужжатларни имзолаш режалаштирилган.

Ў.А.

ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ



Маҳалла — баркамол авлод тарбиясида ишончли бўғин ва мустаҳкам таянч

Урганч шаҳрида «Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди

Ҳар бир давлатнинг истиқболи, шубҳасиз, шу юртда камол топаётган ёш авлод тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун яратилган шарт-шароитлар порлоқ келажагимизнинг қафолатидир.

Соғлом фикрлайдиган, ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлаб, юрт тараққиётини орзу-умидларининг асоси, мақсадларининг эзгу муддаоси, деб биладиган баркамол авлодни вояга етказишда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бугун халқаро экс-

пертлар ва хорижий давлатлар мутахассисларининг ҳавасини келтираётгани рост. Чунончи, бугун юртимизда маҳалла институти кўмагида ёшларимиз юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, эртанги кўннинг ҳақиқий эгалари бўлиб камол толмоқда.

Бу фикрлар Урганч шаҳрида ташкил

этилган «Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусидаги халқаро давра суҳбатида ҳам алоҳида эътироф этилди.

Анжуман Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш институти (Авония) ҳамкорлигида ўтказилди.

> [2-3]

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Фаолият такомими муҳим вазифа



Кеча «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Фонднинг Навоий вилояти бўлими бошқаруви ҳамда Қизилтепа тумани бўлими ҳамкорлигида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган семинар ташкил этилди.

ЖАРАЁН

Ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Энг намунали бўлинмаси» танлови бошланди

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловлар истиқлол туфайли ўзининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларига эга бўлган маҳалла институтини миллий қадрият, урф-одат ҳамда анъаналаримизга мос тарзда янада сайқал топтиришга, шунингдек, соҳада меҳнат қилаётган ходимларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

■ Т.НИЗОМОВ ёзиб олди.

Жорий йилдан бошлаб миллий ва маънавий қадриятларни ёъозлаш, изчил тартиб этиш, халқимизнинг энг яхши удум ҳамда урф-одатларини оммалаштириш, маҳаллалар ўртасида маданий-маърифий ишларни тизимли тарз-

да йўлга қўйиш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлашда ибрат кўрсатаётган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман (шаҳар) бўлинмаларини муносиб рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Энг намунали бўлинмаси» танловини ўтказиш кўзда тутилган.

Танловни ўтказиш бўйича Таш-

■ Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, худудий бўлим ҳамда вилоятдаги барча туман ва шаҳар бўлинмалари ходимлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари дастлаб Ғардиён кишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинларига қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

> [4]

килий кўмита котиби, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Ташкилий-кадрлар бўлими бошлиғи Учқун Маҳмудов бизга мазкур танловнинг мақсад ва вазифалари, ўтказилиш тартиби ҳусусида қўйидагиларни сўзлаб берди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 37-сонли йиғилиш баёни ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2014 йилга мўлжалланган Иш режасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган ушбу танловнинг вилоят бошқаруви бўлиб ўтади.



■ Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Узоқ муддатли, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик

Ўзбекистон ва Хитой. Бу мамлакатлар халқларини 2000 йилдан зиёд тарих, Буюк Ипак йўлидаги маданий ва савдо алоқалари ўзаро боғлаб келади.

■ Худойёр МАМАТОВ, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи, юрилик фанлари доктори.

Хозирги даврда ҳар икки мамлакат ўртасида ишонч, ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига асосланган фаол сиёсий муносабатлар ўрнатилган.

Давлат раҳбарлари даражасида амалга оширилаётган таширфлар кўпқиррали муносабатларнинг жадал кенгайиши ва янада чуқурлашувига кўмаклашмоқда. Таскидлаш лозимки, мамлакатларимиз нафақат икки томонлама, балки Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари

бўйича кенгаш доирасида ҳам алоқаларини давом эттирмоқда. Яқинда Президентимиз иштирок этган мазкур кенгашнинг асосий мақсади кўп томонлама муносабатларни ишлаб чиқиш орқали бу йўналишдаги ҳамкорлиқни кенгайтиришдан иборат бўлди. Айни пайтда кенгашга 24 та давлат аъзо бўлса, 9 та мамлакат ва 4 та халқаро ташкилот унинг қузатувчиларидир.

Президентимизнинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига таширфи ва таширф доирасида ХХР раиси Си Цзиньпин билан икки томонлама учрашувлари юқоридаги фикримиз далилидир.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Кенгашнинг кенг кўмаги қўл келаётир

Марҳамат туманида 6 та кишлоқ, 48 та маҳалла фуқаролар йиғини иш юритади. Уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, муаммоларни чуқур таҳлил этиб, тизимли ҳал этиш борасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгашининг ёрдами қўл келаётир.



■ Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Туман ҳокими Хурсандбек Султонов раҳбарлигидаги мазкур кенгаш таркибига, асосан,

кишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари киритилган. Кенгаш ўз фаолиятини қонунийлик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида амалга ошираётгани туфайли ўзига хос нуфуз ва обрў-эътиборга эга.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиллик режа асосида иш юритади. Маҳаллалардаги мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш чораларини белгилашда кенгаш давлат ва жамоат ташкилотларининг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаётир.

> [4]



МАҲАЛЛА — АЖДОДЛАРИМИЗ НИГОҲИДА

Ўтмиш ва келажакни боғлаган ришта

Ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар масканидир. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан ўтказишдек фазилатлар маҳаллада шаклланган. Шу боис аجدодларимиз маҳаллани жамият равақининг муҳим бўғини сифатида юксак қадрлаганлар.

■ **Муқалласхон АҲМЕДОВА, Тошкент давлат юрилик университети ўқитувчиси, юрилик фанлари номзоиди.**

Ўнинчи асрларда юртимиз ҳудудида «маҳалла» тушунчаси савдо-хўнормандчиликни ифода қиладиган, уч хил маънони англатган: биринчиси, шаҳар ҳудуди; иккинчиси, тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли жойи; учинчиси эса, аҳоли фаолиятининг ташкил этилиши, давлат ва маҳаллий тadbирларни ўтказишда уларга раҳбар-

лик қилишнинг шакли.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида: «Ҳар бир инсон табиатан шундай яратилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуқликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради», деб ёзган.

Аллома фозил шаҳар(давлат)-

ни ижтимоий уюштириш етук шакли, инсоният камолотига эришишнинг зарурий воситаси, деб билган. Дунёда ягона инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилган.

Ибн Сино эса раҳбар халқсиз бўла олмаганидек, халқ ҳам раҳбарсиз бўла олмайди, деб ҳисоблайди ва ўзининг «Уй ҳўжалиги тўғрисида»ги асарида бошқарув(илми)га алоҳида тўхталиб, уни инсондан жуда катта ақл, ирода ва меҳнат талаб этувчи муҳим илм деб билади: «Инсонлар жамоа бўлиб яшашлари учун ўзаро мулоқотда, турли муносабатда бўлишлари, бир-бирларининг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилишлари ва умумий интилиш, мақсадга эга бўлишлари лозим».

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши, ўз ишларини амалга оширишда қонунларга бўйсунishi лозим. Одил ҳоким-

нинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир. У фан тараққиётига, олимларга ғамхўрлик қилиши зарур. Беруний жохил ва золимлар мавжуд жойда зулм ва зўравонлик кучайишини таъкидлайди.

Беруний ижтимоий ҳаёт ўзига хос «шартнома» асосида тузилганини эътироф этаркан инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, кишилар билан бирга яшашнинг зарурлигини англай бошлайди, дейди. Шунинг учун ўзаро келишувчилик мазмунидagi «шартнома» тузишга киришади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида ўзини ўзи бошқаришнинг фаолияти, уларнинг ташкилий вазифалари ва мақоми хусусида мулоҳаза юритади. У ўз даврининг барча ижтимоий тоифаларини уларнинг жамиятда тутган

ўрнига қараб белгилайди.

Шеърят мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз асарларида жамият ва инсон муносабатларининг ахлоқий муаммоларига эътиборни қаратиб, «Ҳайрат ул-абсор» асарида Ҳирот шаҳрини 100 та шаҳарчадан — маҳаллалардан ташкил топган гўзал жой сифатида таърифлайди. Маҳаллаларнинг ҳудудлари, уларнинг ҳар бирида фуқароларнинг ҳаёт кечириши, фаолияти билан боғлиқ бинолар — масжид, бозор, чойхона, дўкан, ҳаммом, саратароҳона ва бошқалар мавжудлиги ҳақида маълумотлар беради.

«Маҷолис ун-нафоис» асарида маҳалланинг ҳаётда тутган ўрни, нуфузи тўғрисида, маҳалладошлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик қадрланганини ёзади. «Вақфия» асарида Алишер Навоий Ҳиротнинг «Марғани» маҳалласида яшоб, у ерга сув чиқаргани, обод

қилгани, ҳудудни шаҳарнинг энг гўзал мавзелиридан бирига айлантиргани ҳақида маълумотлар бор.

Навоий ўз маблаглари ҳисобидан мадраса, масжид қурдирган ва уларда истиқомат қилувчиларга имкон борица моддий ва маънавий кўмак берган. Маҳаллани обод, озода тутиш учун ҳашарлар уюштириши йўлга қўйган.

«Маҳбуб ул-қулуб» асарида улғушор киши қўлидаги бойликларнинг ҳаммаси эмас, унинг ўз эҳтиёжига, кун кечиришига керакли қисмигина униқидир, қолгани эса ўзгаларникидир, дея қайд этади.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида савдо-хўнормандчилик мавзелирини ифодаловчи «маҳалла» атамаси илк бор қайд этилган.

Тарихчи олим Наршоҳийнинг «Бухоро тарихи» асарида VII—VIII асрларда Бухоро Шайхистон деворлар билан ажратилган тўртта

маҳалладан иборат эканини ёзади.

Амир Темур томонидан одамларнинг маҳалладаги ҳаёт тарзи гоёси ҳаракатдаги ҳарбий қўшинда ҳам жорий қилинган. Ҳарбий қисмлар ҳам ҳудди маҳалла сингарии ўзини ўзи таъминлай олиши керак бўлган.

Амир Темур даврида маҳалла ривожининг янги даври бошланди. Бу даврда маҳаллалар шаҳарликларнинг хўнормандчилик йўналишлари ва ижтимоий мақоми бўйича ташкил этилди.

Хуллас, аждодларимизнинг бой ҳаётий тажрибалари, қадрият ва анъаналарни ўзида мужассам этган маҳалла институти истиқлол туфайли ўзининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларига эга бўлди. Бугун дунёда «маҳалла» сўзини эшитган киши кўз ўнгида ўзбекларнинг узок ўтмиши ва, албатта, буюк келажоги гавдаланади.



Томоша татимади

Нигериянинг Жос шаҳрида худкуш ўзини портлатиб юборган.



Фожа кишилар кўчада УЕФАнинг чемпионлар

лигаси ўйинлари трансляциясини томоша қилаётган пайтда содир бўлган. «Reuters»нинг хабар беришича, ҳаракат оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмган. Бундан илгарироқ Жосдаги икита портлашда қарийб 120 киши қурбон бўлганди.

Портлашларни бирор-бир радикал гуруҳ ўз зиммасига олмаган. Бироқ ҳукумат уларнинг ортида «Боко Харам» террорчилик ҳаракати турганига шубҳа қилмаяпти.

Низо қурбонлари

Ҳисоб-китобларга кўра, Сурияда сўнгги уч йилда ўзаро низолар туфайли 162 минг нафардан зиёд киши қурбон бўлган.




Уларнинг 80 минг 836 нафарини оддий фуқаро,

жумладан, 8 минг 607 нафарини болалар, 5 минг 586 нафарини аёллар ташкил этади. Қурбонлар орасида 26 минг 858 нафар жангари, 13 минг 529 нафар хориждан ёлланган шахслар ҳам бор.

Рўйхатдан 37 минг 685 нафар ҳарбий, 23 485 нафар кўнгилли ва яна юзлаб бошқа гуруҳ вакиллари ҳам ўрин олган. Шунингдек, 2 минг 891 нафар кишининг шахси аниқланмаган.

Энг қиммат белги

Американинг «Google» интернет-компанияси 2013 йилдаги энг қиммат савдо белгиси, деб топилди.



Британиянинг «Millward Brown Optima» компа-

нияси томонидан ўтказилган тадқиқотда мазкур белгининг рейтингини йил давомида 40 фоиздан тушмагани қайд қилинган. Натижада уч йилдан буён пешқадамликни

кўлдан бермай келатган электрон қурилмалар ишлаб чиқарувчи «Apple» компаниясидан ўзиб кетган. Та д к и қ т ч и л а р «Google»нинг ўтган йилги қиймати 159 миллиард АҚШ долларига баҳолашган. «Арл»нинг баҳоси эса 148 миллиард доллардан ошмайди. «IBM», «Microsoft», «McDonald's», «Coca-Cola», «Visa», «AT&T», «Marlboro» ва «Amazon» сингари белгилар эса дастлабки ўнликдан жой олган.

Рейтингга юзта бренд киритилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 2,9 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

■ Интернет материаллари асосида Муниса РАҲИМБЕРДИЕВА тайёрлади.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Рағбат янги марраларга ундайди

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун болалар спортини ривожлантиришга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор берилаятир.



— Ўзг олган сурат.

■ **Фарҳод ҚОДИРОВ «Mahalla»**

Биргина Наманган вилояти мисолда олиб кўрадиган бўлсак, ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан фойдаланишга топширилган 150 та замонавий спорт иншоотида бүгун 143 минг нафардан зиёд ўқувчи спорт билан мунтазам шугулланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қурилган ва таъмирланган биноларнинг 13 таси замонавий сўзиш ҳавзаси, 15 таси намунавий лойиҳа асосидаги спорт мажмуаси, 68 таси эса умумтаълим мактаблари қошидаги спорт зали ва 4 таси маҳалла қошида жойлашган болалар спорт майдончасидир.

Бу иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўғил-қизларни спортга жалб этишда вилоят модоният ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимиларининг ўзаро ҳамкорлиги самарали бўлмоқда.

— Ўтган йиллар давомида туманимизда ҳам 13 та болалар спорт объекти қурилиб, фойдаланишга топширилгани ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришимизда кўл келмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган тумани бўлинимаси масъул котиби Мунира Исомиддинова. — Замонавий тарзда жихозланган мазкур иншоотларда бүгун беш мингдан зиёд ёшлар спортнинг кўплаб тури билан мунтазам шугулланмоқда. Уларнинг қарийб бир минг тўрт юз нафари қизлар экани эътиборлидир.

Айни пайтда «Маҳалла — оила — таълим» муассасаси ҳамкорлигида ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қўшимча спорт тўғараклари ташкил этилган. Ҳар бир маҳаллада 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўғил-қизнинг рўйхатини олиб, спортнинг қайси йўналиши билан шугулланиши, қандай тўғаракка катнаши ҳақида маълумотлар базасини шакллантиряпмиз.

Яратилган шароитлар бораборада спорт билан шугулланоётган ёшлар ўз вақтида муносиб рағбатлантириб борилаётгани улар сафининг кенгайишида муҳим омил бўлиб, навқирон авлод вакиллари янгида янги марралар сари руҳлантираётир. Яқинда Президентимиз совғаси — миллий ва замонавий усулда тайёрланган спорт либосларини қабул қилиб олган бир гуруҳ қизларни навбатдаги машгулотларда ўқотдик.

— Бу йил 8-синфни тамомлаётган, — дейди ўзини Мафтуна Раҳимбердиева деб таништирган қизалоқ. — Беш йилдан бери енгил атлетика билан шугулланаман. Бизга кўрсатилган бундай эътибордан беҳод миннатдоримиз. Келажоқда «Ўмид ниҳоллари», «Боркамол авлод», «Универсиада» каби мусобақаларда фаол катнашиб, билдирилган ишончини оқлаймиз, албатта.

Шу кунларда «Боркамол авлод — 2014» мусобақалари шукўҳи билан нафас олаётган наманганлик ёшларнинг қувончи чексиз. Боиси улар жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан яна 12 та спорт иншоотини қабул қилиб оладилар. Демак, спортни ўзига ошно тутган ўғил-қизларимиз сони, улар кўлга киритаётган ютуқлар салмоғи янада ортади.



Хурматли юртдошлар! «Асака» банк (ОАЖ)

Қўйидаги миллий ва хорижий валюталардаги
муддатли омонат турларини тақлиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

«БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фойизлар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фойизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари) йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фойизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

«ШОДИЁНА»

(АҚШ долларига)

Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фойизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1»

(ЕВРОга)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:	Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	Наманган вилоят филиали	369 226-94-75
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	Навоий вилоят филиали	436 223-54-32
Шайхонтохур филиали	371 140-39-36	Зарафшон филиали	436 573-18-78
Юнусобод филиали	371 221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365 223-71-94
Сирғали филиали	371 258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	Самарканд вилоят филиали	366 231-08-86
Андижон вилоят филиали	374 224-40-96	Афросиёб филиали	366 221-77-56
Асака филиали	374 233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375 221-12-93
Фарҳод филиали	374 226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-59
Марғилон филиали	373 237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362 226-97-78
Олтиариқ филиали	373 432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03
Кўкон филиали	373 552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк (ОАЖ) — сармоянгизни сақлашни ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда
0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

24916 нусхада чоп этилди. Буюртма S-35



Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табақ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Набатчи: М.Латипова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰



ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ



Урганч шаҳрида «Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди

< [1]

Тадбирдо Япония, Жанубий Корея, Германия, АҚШ, Россия ва Франциядан олим ҳамда экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими ҳамда Адлия вазирликлари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши масъул ходимлари, олий ўқув юрлари профессорлари, илмий тадқиқот институтлари экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

Халқаро давра суҳбатида Ўзбекистонда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган берилган, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг спорт билан шуғулланиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг манфаатларини қонун йўли билан ҳимоялашда фуқаролар йиғинларининг таъсири тобора ошиб бораётгани юзасидан атирофлича фикр олмаслики.

Дастлаб анжуман иштирокчилари Хонқа туманидаги «Ойдин ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюришди. Замонавий маҳалла гузари олдидан Хонқа енгил саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчилари меҳмонларни юртимизга, хусусан, ушбу йиғинга ташрифи билан бир неча хорижий тилларда қўлгагани уларнинг ҳавас ва ҳайратини уйғотди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган «Ойдин ҳаёт» маҳалласида ҳозирда 4,5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 2,5 минг нафарга яқинини ёшлар ташкил этиши ўз-ўзидан ҳудудда навқирон авлод вақилларининг қамолоти учун зарур шароит ярати бериш давр талаби эканини аңлатади. Шу боис маҳалла биносига ёндош тарзда барпо этилган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик, тўқувчилик ҳамда хунармандчилик цехлари йиғит-қизлар бандлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Қолаверса, йиғин идораси ёнида намунавий лойиҳалар асосида қад рўстлаган 68 та уй-жойда истиқомат қиладиган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун ҳам борча шароит мўҳайё этилган. Хусусан, спорт майдончаси ҳамда сунъий қопламали футбол ва теннис майдонлари доимо болалар билан гавжум эканига меҳмонлар гувоҳ бўлишди.

Давра суҳбати қатнашчилари маҳалла фаолиятини ўрганиш чоғида фаолларга яратиб берилган қўлай меҳнат шароити, айниқса, йиғин идорасининг моддий-техник базаси мустаҳкамлиги, шовман ва ёруғ хоналарни кўриб, бундай намунавий маҳаллани бошқа давлатларга ўрнатқилиб кўрсатиш таклифини илгари сурдилар.

Меҳмонлар, шунингдек, Урганч шаҳ-

ридаги 1-сонли болалар мусика ва санъат мактабига ташриф буюрдилар. Мактаб фойесида ташкил этилган кўргазма, миллий хунармандчилик, наторморт, миниатюра ва манзара жанридаги ёш ижодкорларнинг асарлари хорижликлар эътирофига сазовор бўлди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари кўҳна ва ҳамиша навқирон Хива шаҳри тароватидан баҳраманд бўлишди. Мазий гўзаллиги ва жозибаси, миллий қадриятлар ҳамда замонавийликни ўзда муҳжасман этган бу шаҳар тимсолида халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти, ўз тарихига юксак ҳурмат кўрсатаётганига меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, айниқса, Мамун академия музейи ҳамда Ичон қалъаси зиёрат қилиш асосида яна бир бор амин бўлдилар. Зеро, тарих ва бугуннинг уйғун манзараси юртдошлар қалбига ўз ажадлари билан фахрланиш, ўтмишни эъзозлаш ва ҳурмат қилиш туйғуси юксаклигидан далолат.

Ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни қамолга етказиш, маънавиятимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришда маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Бунда, албатта, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани мустақкам пойдевор ва зифасини ўтамоқда.

Ҳозирги таҳликали дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилаётган турли тўс-тўполонлар, тартибсизликлар негизда давлатнинг ўсиб-ўниб келаётган ёшларга, уларнинг ҳаётдаги қизиқишлари, ҳуқуқ ва манфаатларига эътиборсизлиги, ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замоннинг янги таҳдидларига қарб бормаслиги оқибатини кўриш мумкин. Уларда, айниқса, ёшлар тарбияси, бандлиги, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ачинарли, албатта.

Ваҳоланки, мамлакатимизда мазкур муаммоларнинг олдини олишда фуқаролар йиғинлари фаолларининг сай-ҳаракати муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун маҳалла фарзандларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш йўлида мустақкам таянч, уларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлашда халқиларга восита экани, бу борада Ўзбекистонда эришилган тажриба дунёнинг қўллаб мамлакатларига намуна бўлиши мумкинлиги мутахассислар томонидан кенг эътироф этиляпти.

Анжуман қатнашчилари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун зарур шароитни яратиш, уларда эркин фикрлаш қўлиқмасини шакллантириш, миллий анъана ва урф-одатлар асосида болаларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам маҳалла институтининг роли юқори эканини алоҳида таъкидлашди.

Ҳозир юртимиздаги ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари ҳузурида асосий йўналишлар бўйича доимий фаолият юритиладиган комиссиялар тўзилган. Улар жойларда ҳудудни комплекс ривожлантириш, ободонлаштириш, тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни ўтказишда қонун ҳужжатлари ва фуқаролар йиғинлари қарорлари ижросини таъминлаш,

йилнинг ҳар чорағида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби кенг қамровли йўналишлар бўйича самарали фаолият юритиб келмоқда.

Фуқаролар йиғинларининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшлар тарбияси, уларнинг дарсга қатнашиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, бандлигини таъминлаш, оилда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда ёшлар улуғ инсонлар кўмағига таяниш яхши самара бериши амалда исботланган.

Ёшларни таълим ва спортга жалб этиш орқали улар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ота-оналарнинг ёшларни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимини ошириш мақсадида фуқаролар йиғинлари ҳузурида «Ота-оналар университети» ташкил этилиб, уларга аҳоли орасида ҳурмат-эътибор қозонган кишилар жалб қилинди. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми ҳам бугун оилда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда, фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролар йиғинлари томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда банд бўлмаган, меҳнатга лаёқатли аҳоли, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида маҳалалар ҳудудида 17 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқали 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Мактаб, коллеж, лицей ҳамда маҳалла гузарларидаги спорт заллари, майдончалари ва иншоотларида оилавий спорт ва ижодий тўғарақлар ташкил этиш учун 400 млн. сўм моблағ сарфлаш ҳамда маҳаллаларда замонавий, хавфсиз болалар майдончаларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қуриш бўйича Фонд ҳисобидан 2 млрд. сўм моблағ сарфланиши кўзда тутилгани ҳам ёшлар қамолоти йўлида амалга оширилдиган ишлар қўлими нақодар кенглигини кўрсатади.

Ўтган йил яқунларида кўра, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни спортга кенг жалб этиш мақсадида «Футболлимиз келажиги», «Маҳаллаимиз пахлавонлари» каби спорт мусобақалари ташкил этилди. Бу тадбирларда 2 миллиондан зиёд ёш иштирок этди. «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танлови эса, ёшларнинг миллий қадриятларимизни, қолаверса, ўзи яшаб турган маҳалласи тарихи, яшаш тарзи ва турмуш маданиятини чуқур ўрганишда муҳим оқил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллалар ҳудудида 372 та болалар майдончаси қурилди, 902 таси таъмирланиб, 1203 тасида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Халқор экспертлар фуқаролар йиғинлари томонидан йўлга қўйилган жамоатчилик назорати пировард натижада ёшларни миллий урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга, оилаларнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш ҳамда ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишга қаратилганини юқори баҳолашди.

Анжуман доирасида «Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик» номли ҳужжатли фильм намоиш этилди ҳамда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» номли китобнинг тақдироти ўтказилди.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Сўз — халқаро давра суҳбати иштирокчиларига!

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратиладиган. Жорий Соғлом бола йилида бу йўналишдаги вазифалар янада долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундай эътироф хорижлик олимлар, экспертлар билдирган фикрларда ҳам ўз тасдиғини тоپяпти.

Тецужи
ТАНАКА,
Марказий
Осиё ва Кавказ
давлатларини
ўрганиш
институти
ижрочи
директори
(Япония):



— Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тарихи ҳар бир мамлакатда ўзига хос. Лекин уларнинг ҳеч бири на бугунги ва на ўтмиши билан ўзбек маҳаллаларига тенглаша олади. Японияда маҳаллага ўхшаш тузилма бор. Уни биз «Чонайка» (Chonai) деб атаймиз. Бу тузилма ташкил этилганига 40 йилдан ошди. Унинг асосий вазифалари ўзбек маҳаллалари каби атироф-муҳит озодлигини таъминлашда аҳоли кучидан фойдаланиш ҳамда дафн маросимларини ўтказишга кўмаклашишдан иборат.

Халқингиз қанчалик буюк ўтмишга эга бўлса, маҳалла тарихи ҳам шунчалик узок осларга бориб тақолади. Лекин маҳалла Ўзбекистон мустақиллигига эришган, ҳуқуқий қомонга ва ваколатларга эга бўлгани сир эмас. Бугунги кунда у аъналар ва қадриятларга асосланган демократик институтга айланган.

Ўзбек маҳаллаларига ҳавас қилган, ушбу ноёб тузилма ёшларнинг ҳар жихатдан етук инсонлар бўлиб ўлганишда катта таъсирга эга. Ташриф давомида «Ойдин ҳаёт» маҳалласи фаолияти билан танишиш асосида шундай фикрга келдик. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Мисол учун, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилалар мустақамлиги, жадвал суратларда ўзгараётган қадимий Хоразм воҳасининг қиёфаси ва кишиларнинг ҳаёт тарзи исботлаб турибди.

Тьерри
МАРИАНИ,
Француз Миллий
ассамблеяси
депутати,
«Франция —
Ўзбекистон»
дўстлик гуруҳи
раҳбари
ўринбосари
(Франция):



— Таъкидлаш жоизки, маҳалла Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқаришнинг аънавий институтидир. У, шубҳасиз, ўзбек давлатчилигининг тароққий этишида муҳим ўрин тутди.

Айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Ўзбекистонда давлат кўмағида фуқаролар йиғинлари томонидан ҳал этилаётгани маҳаллаларга билдирилган катта ишончдир.

Фуқаролар йиғинларида ташкил этилган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия аъзолари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, молия ва солиқ тизими ходимлари билан биргаликда ижтимоий нафақа сўраб муурожаат қилган аризонининг хонадонига бориб, ҳақиқий вазиятни обдон ўргана экан. Бу жараёнларга бевосита йиғин раиси бошчилиги қилиш юртингизда ижтимоий адолат қарор топаганининг амалдаги тасдиғидир.

Францияда ҳам ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимлари бор, аммо улар ҳақиқатда

олияти ғоят зарур восита ҳисобланади. Мингдан ортиқ оила яшайдиган ушбу маҳаллада охириги икки йилда умуман жиноят содир этилмаган, оилавий ажримлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар кузатилмаган. Ҳақиқат қиёсда билинади, дега-нидек 10 мингга яқин маҳалла мисолида вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, жуда катта натижалар кўзга ташланади. Демак, ўзбек маҳаллаларида тўпланган тажрибадан ўрнак олсак арзийди.

Шу билан бирга, маҳаллани нафақат фуқаролик жамиятининг асоси, балки демократиянинг ноёб мактаби сифатида таъкидлаш жоиз. Ўтган йили фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга оид тақомиллашган қонун ҳужжатлари асосида ўтказилган сайловда ҳаёт тажрибасига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга 10 минг нафарга яқин фуқаро маҳалла раислигига сайланди. Бугун улар ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла халқнинг маънавий ва маданий қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга, мамлакатни модернизация қилишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қиладди. Буни биз гувоҳи бўлган, хусусан, жадвал суратларда ўзгараётган қадимий Хоразм воҳасининг қиёфаси ва кишиларнинг ҳаёт тарзи исботлаб турибди.

Яна бир муҳим жиҳат. Маҳалла Ўзбекистон шариғатида мослашган демократия ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш мактабига айланди. Оқчилик, ошқоралик юртингизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоли-



ҳлат умумдэват ва ҳудудий дастурларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга, фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги кенг иштирокига имконият яратоди. Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрини мустақамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзбек халқининг маффаотларига хизмат қиладди, ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг тақ-

иятининг асосий тамойиллари ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлов асосида шаклланадики, бу ҳол жамият билан давлатнинг ўзвий бирлигини таъминлашнинг ўта муҳим омилдир.

Бундан икки йил муқаддам Самарқандда ўтказилган халқаро давра суҳбатида қатнашиб, маҳаллалар ваколатлари қўплигига амин бўлгандим. Ўтган вақт мобайнида тизимга оид 2 та қонун янги таҳрирда қабул қилингани натижасида фуқаролар йиғинлари фаолияти тақомиллашиб, ваколатлари доираси янада кенгайибди.

Ушбу ноёб институт билан фахрланган ҳолда унинг тарихий ва тарбиявий жиҳатларини чуқурроқ ўрганиш ва бу борада тўпланган тажрибани оммоллаштириш зарур. Маҳалла мисолида биз ўзбек халқининг онг ва тафаккурида, ҳаёт тарзида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдек олий қадриятнинг таркиб топланини кўрдик. Ўзбекистонда ижтимоий соҳада адолатли сиёсат олиб боришда, инсон ҳуқуқлари тўлиқ фойда этилмоқда. Ушбу ижтимоий ташаббуслар марказида маҳалла фуқаролар ижтимоий қўллаб-қувватланишининг қафолатланган тизими сифатида муҳим аҳамият касб этади.

ишончли бўгин ва мустаҳкам таянч

Сўз — халқаро давра суҳбати иштирокчиларига!

КАНГ БОНГ КУ,
Ханянг
университети
қошидаги
Осиё-Тинч
океани
тадқиқотлари
институт
профессори
(Жанубий
Корея):



— Ўзбекистон аҳоли фаровонлигини ошириш, таълим ва тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарбия этиш ва спорт билан шугулланишларини таъминлаш соҳасида улкан тажрибага эга. Буни биз Хоразм вилоятида маҳалла, мусика ва санъат мактаби фаолияти билан яқиндан танишиш мисолида гувоҳи бўлдик.

Энг муҳими, маҳаллаларда, замонавий лицей ва коллежларда биз ўзига ишонган, миллий ва маданий бойликларга, халқингиз тарихига, жаҳон цивилизацияси қадриятларига ҳурмат ҳисси ривожланган ёшларни учратдик. Уларда

чқур билим олиш, ўз мамлакатининг муносиб фуқароси бўлиш, унинг ривожланишига ҳисса қўшишга интилиш туйғуси нақадар кучли эканини кузатдик.

Ўзбек маҳаллалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш маркази сифатида аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганидан, очиги, ҳайратга тушдим.

Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган кишиларга ҳеч бир давлатда юртингиздагидек маҳалла институтини каби яқиндан қўмак берувчи тузилма йўқ.

Бунинг учун ҳуқуқий асос — «Оилавий тадбиркорлик

тўғрисида»ги қонунда белгиланган имтиёз ва имкониятлар таҳсинга лойиқ. Шунингдек, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда маҳаллалар қошидаги маслаҳат марказлари ҳуқуқий мақомининг белгиланганлиги мен учун катта янгилик.

Ушбу марказлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқароларга иктиодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича курслар ташкил этилиши маҳалланинг бизнесни ривожлантиришга қўмақлашувчи идрорага айланганини кўрсатади. Буни ташкил этилган Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия фаолияти ҳам тасдиқлайди.

Мен юртингиздаги маҳаллалар фаолиятини, ушбу тизимга оид янгиликлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини кузатиб бораман. Биргина сўнги бир йил давомида кучга кирган 20 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат

лар фикримга далилдор.

Маҳаллада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдим. Энг асосийси, маҳаллада соф инсоний муносабатлар қонун ҳужжатлари доирасида ҳал этаётганлигини таъкидлаш ўринли.

Анжуманда ўзбек маҳалласи фаолияти, хусусан, унинг мамлакат келажаги бўлган ёшларни баркамол инсонлар қилиб ўлғатириш борасидаги бой тажрибаси билан танишдик. Қизиқarli рақамлар ва маълумотларни ўзим учун қайди қилиб қўйдим. Албатта, булар ҳақида юрдошларимга ҳам гапириб бераман.

Яқинда Сеул шаҳрида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамиятини мустақамлашнинг муҳим механизми» мавзусида ташкил этилган халқаро давра суҳбатиде ҳам ўзбек маҳаллалари томонидан амалга оширилаётган ишлар юксак эътироф этилди.

«Етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилиди. Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир».

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.



Юлия ЗУБОК,
Россия Фанлар
академияси
Ижтимоий-
сиёсий
тадқиқотлар
институт
бўлим мудири:



— Бугун Ғарбда замонавий жамият ижтимоий мавҳумлик билан характерланмоқда. Ёшлар муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этган. Айниқса, уларни тўғри йўлга бошлаш, жамият учун фойдали инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онани ўйлантираётган ташвишли муаммодир.

Ҳар бир давлат учун ёшлар тарбияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистонда тўпланган тажриба, айниқса, диққатга сазовордир. Таълим муассасасидан ташқари яна бир тарбия маскани бор

ки, назаримда, унинг ўрнини бошқа ҳеч бир тизим боса олмайдди. Бу — маҳалладир. Ёшларнинг ийит ёки қиз доим маҳалла жамоатчилиги эътиборида бўлади. Шунинг ўзиёқ ўзбек маҳалласининг жамият ҳаётида тутган ўрни бекиёқ эканини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллалар қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолияти билан танишиб, унинг қанчалик таъсирчан кучга эга эканлигиндан жонқуяр она, ёшлар мураббийи сифатида жуда қувондим. Ота-оналарнинг ёшлар тарбия


си билан боғлиқ ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишда ушбу университет муҳим омили бўлаётди.

«Ота-оналар университети» айнан ноқобил оилалар билан ишлаш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарнинг малакасини оширишда ёрдамлашишдек долзарб вазифалар билан шугулланади. Бундай сазой характерлар аксарият маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан муҳим.

Маҳалланинг энг катта вазифаси ёш авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама ривожланган жамиятни шакллантиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек маҳаллалари тажрибасини ўрганиш ҳар қандай демократик давлат учун муҳим.

Бошқача айтганда, маҳалла бир томондан миллий анъаналарга ва замо

навий жамиятни қуришга асосланган, ёшларга оид давлат сиёсатининг механизмларини амалга ошириш орқали ижобий ютуқларга эришиш таъминланаётган Ўзбекистоннинг ноёб тажрибасидир. Кўпчилик давлатларда ёшлар индивидуаллашмоқда, ёши катталарни ҳурмат қилиш йўқолмоқда, миллий маданий қадриятлардан ўзларини четга олмоқда, авлодлар ўртасида узилиш кузатишмоқда. Бу борада халқингизда жуда кўп ижобий тажрибалар бор ва ёшларни жамиятга ижтимоийлаштириш изчил таъминланмоқда. Маҳаллаларда ота-оналарнинг, кекса кишиларнинг, қўни-қўшниларнинг ёшлар олдиде обрўси баланд. Бу тажрибани бошқа давлатлар ҳам ўрганиши зарур. Албатта, ёшлар ўз тарихига, анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлса, жамоатчилик фикрини ҳурмат қилса, маҳалла ҳаётида фаол қатнашса, улар муносиби кишилар бўлиб воғага етишмоқда.



Владимир ЧУПРОВ,
Россия Фанлар
академияси қошидаги
Ижтимоий-сиёсий
тадқиқотлар
институтининг бош
илмий ходими:

— Кўп йиллардан буён фуқаролик жамияти институтларининг илмий-амалий жиҳатлари бизда ҳам ўрганиб келинади, тадқиқотлар олиб борилади. Шунининг билан айта оламаники, иктисодий-ижтимоий фаровонлик, маънавий етукликка айлан кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали эришиш мумкин.

Бунда баркамол авлодни воғага етказиш бирламчи омил эканини кўздан қочирмаслик зарур. Зеро, Ўзбекистонда ёшлар камолоти бевосита маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилаётгани унинг ваколатлари қўлами нақадар кенг эканини кўрсатади.

Жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий жараёнларнинг ажралмас қисми бўлган маъмур миллий моделга қизиқим тобора ортмоқда. Зеро, мамлакатингиз тараққиётининг муҳим бўғини — маҳалла одамларининг бошини қовуштиради, уларнинг бир тану бир жон бўлиб юрт ривожига ҳисса қўишлари учун улкан имкониятлар яратди.

Мени ҳайратга солган жиҳати шуки, маҳалла институтининг бошқа давлатларида шакланган ўзини ўзи бошқариш органларидан ўзига ҳос хусусиятлари билан ажралиб туради. Айниқса, навиқрон авлод вакиллари баркамол қилиб тарбиялашда маҳаллаларнинг фаол иштирок этаётганлиги эътирофга лойиқ. Зотан, маҳалла институтини такомиллаштириш тўғрисида давлат равнақ топади, натижада жисмонан соғлом ва маънави авлодлар сафи кенгайди.

Бунга ўрганиш шаҳридаги 1-сонли мусика ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан намойиш этилган концерт дастурини томоша қилиш асосида яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатингиз маҳаллаларида олиб борилаётган ёшлар тарбиясига оид

ишлар биз учун ҳам зарур тажриба, деб ҳисоблайман.

Дунёдаги аксарият давлатларни ташвишга солаётган яна бир долзарб масала — ёшларнинг таълим-тарбияси, яъни уларнинг қандай инсон бўлиб камолга етишларидир. Зеро, бугунги ёшлар эртага шу халқнинг тақдирини белгилайди. Юртингизда ушбу масала ҳам изчиллик билан ҳал этилмоқда. «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», деган тамойил асосида ёшлар тарбиясида нафақат таълим даргоҳлари, шу билан бирга, маҳалла институтини ҳам фаоллик кўрсатаётгани ўрганишга арзийдиган тажриба.

Маҳалла халқни давлат билан боғлаб турувчи муҳим вазифани бажармоқда. Ушбу ўзаро алоқадорлик одамларнинг мустақам бирлиги асосида муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ва жамият жиғисини таъминлашда намоён бўлмоқда. Маҳалла ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, давлатни мустаҳкамлайди, зеро ҳар қандай давлатнинг мақсади — мустаҳкам жамият ҳисобланади. Бундай мустаҳкам жиғислашув эвазига сизларда ёши катталарга ҳурмат сақланиб қолган.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини ўрганиш жараёнида мен қуйидаги хулосаларга келдим. Биринчидан, сизларнинг жамиятингиздаги ижтимоий-маънавий муҳит, энг муҳими, ёшлардаги инсонпарварлик, самимийлик ва ўз келажагига бўлган ишонч мени ҳайратда қолдирди. Иккинчидан, баркамол авлодни тарбиялашга, таълимнинг тарбия билан узвий боғлиқлигини таъминлашга катта эътибор қаратишмоқда. Бунда мен «Боланинг беғонаси бўлмайди», деган ўзбек мақолининг маъносини чқур тушундим. Зеро, маҳалла — шорқона инсонпарварликнинг бетакрор намунасидир.



Дарҳақиқат, ўзаро тажриба алмашишга имкон яратган бу давра суҳбати қизгин баҳс-мунозараларга бой, ишчан руҳда ўтди. Тадбирда иштирокчилар жисмонан соғлом, маънан етук авлодни воғага етказишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш бошқа давлатлар учун фойдали эканини яқдиллик билан эътироф этдилар. Муҳими, кўплаб халқаро экспертлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, хусусан, ҳар томонлама ривожланган, баркамол авлод тарбиясидаги фаолиятини юқори баҳолашди.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро давра суҳбати иштирокчилари мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «соғлом бола» деган гоғаниннг жамият ҳаётида амалий ифодасини қарор топтиришда муҳим ўрин тутмоқда, деган яқдил фикрга келдилар.

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
«Mahalla»

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

«Ойдин ҳаёт»нинг нурафшон манзиллари

Давлат ва жамият назариясига бағишланган бетакрор асарлари тўғрисида «Шарқ Арастуи» деб тан олинган Абу Наср Форобий бундан ўн бир аср муқаддам фозил кишиларни эзгу мақсадлар атрофида жиғислаштирадиган тизим яратиш орзусини асослаб берган эди.

■ **Янгибой ҚҶҚҚОРОВ.**

Бу тизимнинг ноёб намунаси ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла институтини истиқлол тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимиятининг мустаҳкам неғизига айланди.

Мамлакатимизда давлат ва миллат манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели шакланган. Ўрганиш шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусидаги халқаро давра суҳбатиде иштирок этган хорижий сиёсатшунослар, олим ва экспертлар Хонқа туманидаги «Ойдин ҳаёт» фуқаролар йиғини тимсолида маҳалла институтининг шаклу шамойили, самараси, ўзига холигига гувоҳ бўлдилар.

«Ойдин ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинини кейинги йилларда таркиб топган аҳоли масканларининг намунаси кўриниши, дейиш мумкин. Ўттиз-қирқ йиллар муқаддам бу ерларда режасиз, устига-устак муваққат бинокорлик материаллари асосида қурилган хўторлар замонавий транспорт ва муҳандислик коммуникациялари, ижтимоий инфратузилмадан бутунлай холи эди.

Бугун «Ойдин ҳаёт»да барча қўлайликларга эга янги аср уйлари, уларнинг ёнида эса совдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга инфратузилма вуҷудга келди. Замонавий теннис корти, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари ривожланган мамлакатлар спорт залларидан қолтишмайди. «Ойдин ҳаёт» вакиллари «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинларида чемпионлик шохсўпаларига кўтаришган.

Маҳаллада яшнаб турган меваги ва манзарали дарахтлар аҳоли масканига зеб бериш билан бирга, тоза ҳово манбаи ҳамдир. Ҳар бир туғилган чақалоқ учун биттадан меваги ва манзарали кўчат ўтказиш оидин

ҳаётликларнинг эзгу аъмолига айланган.

Маҳаллада ёш авлодни наинки жисмонан, балки интеллектуал жиҳатдан ҳам баркамол қилиб тарбиялаш тизими яратилган. Фуқаролар йиғини ҳудудида 4500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилса, шундан 1473 нафари ўн саккиз ёшгача бўлган навиқрон авлод вакиллари. Уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жағғормаси, хотин-қизлар қўмитаси билан изчил ҳамкорлик ўрнатилган. Ижтимоий шериклигининг эътирофга арзийри ҳаётбахш куртаклари нини урётди. Барча кенг қўламли ишларни бамаслаҳат бажариш, яратилган барикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ўзаро меҳр-оқибатни кучайтириш «Ойдин ҳаёт»га ҳос ибратли амаллардир.

Маҳалла фуқаролар йиғинидаги умумтаълим мактабида 870 нафар, касб-хўнаро коллежиде 890 нафар истиқбол эгалари таълим олмоқда. Касб-хўнаро коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга ўз бизнесини йўлга қўиш учун имкониятлар эшигини очиб бериш биринчи даражали вазифага айланган. Касаночиликнинг кенг миқёс касб этиши эса хотин-қизларни иш билан таъминлашда қўл келаётди. Мавжуд 798 та хонадоннинг барчасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, зиёлилар, хўнаромандлар бохли ҳаёт кечирмоқдалар.

Бугун «Ойдин ҳаёт»да аҳолининг турмуши оидин ва нурафшон. Ҳудуддаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, юрт равнақи йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида оидин ҳаётликларнинг барча орзу-умидлари ушолмоқда. Кейинги йилларда маҳалла аҳолисининг ўртача ёши анча ошди: ҳозир бу масканда 2 нафар юз ёшдан ошган пире бадовлат инсон истиқомат қилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.





ЎҚУВ-СЕМИНАР

Фаолият такомили муҳим вазифа

< [1]

Семинар иштирокчилари маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнес-ни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия ҳамда «Маслаҳат маркази» фаолияти билан танишиб, уларнинг ишида бошқа маҳаллалар фаоллари ўрганиши лозим бўлган жиҳатлар кўплигини таъкидлашди.

Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинида азалдан хунарманд оилалар умргузаронлик қилади. Семинар доирасида йиғин гузарига ташкил этилган хунармандчилик кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бобом Назар Абро-ровдан ёғоч ўймакорлиги ва дурадгорлик сирларини ўрган-япман, — дейди Тошпўлат Ҳамидов номидаги маҳаллада яшовчи, Қизилтепа маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Жўрабек Файзуллоев. — Ортимизда ёшларга, айниқса, коллеж битирувчиларига катта имкони-ятлар яратилган. Мен ўқиниш тугатиб, кредит олиб, ўзим-нинг дурадгорлик цехимни оч-моқчиман. Бунинг учун менга маҳалла фуқаролар йиғини яқиндан ёрдам берапти.

Кўргазмада «Асадбек Зиё нур» хусусий корхонаси каш-талари ва адрас матолари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Корхона раҳбари Зебо Рус-тамова ўзи яшайдиган «Сў-фиён» маҳалласида 40 на-фар хотин-қизни иш билан таъминлаган.

— Мен адрас тўқиш це-хига ишга кирдим, — дейди тумандаги Агросервис маи-ший хизмат касб-хунар кол-лежи битирувчиси Рўзигул Ҳожиева. — Маҳалла фаол-лари менинг «Асадбек Зиё нур» корхонасига ишга жой-лашишимга ёрдам беришди.

Ана шундай ишлар би-лан танишган семинар иш-тирокчилари Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги асо-сий йўналишлар бўйича ко-миссиялар фаолиятига юқо-ри баҳо беришди.

— Қизилтепа туманидаги фуқаролар йиғинларида бар-ча комиссияларнинг, жумла-дан, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиянинг ишига ҳавасим келди, — дейди За-рафшон шаҳридаги «Баҳор» маҳалласининг диний маъри-фат ва маънавий-ахлоқий тар-



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Кенгашнинг кенг кўмаги қўл келаётир

< [1]

Кенгаш раисининг ўринбосари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинимаси раиси Зайнобид-дин Болтаев яқинда ташаббус би-лан чиқди. У тумандаги Қорақў-ғон қишлоқ фуқаролар йиғини тар-кибидаги маҳаллаларда ободон-лаштириш ва кўчаломзорлаштириш бўйича тўлғоланган тажрибаларни туман миқёсида оммалаштиришни таклиф қилди. Шу муносабат би-лан мувофиқлаштирувчи кенгаш ий-гилиши Қорақўғон фуқаролар йи-ғини ҳудудига ўтказилди. Йиғилиш-га таклиф этилганлар 10 та маҳал-

бия масалалари бўйича мас-лаҳатчиси Холида Эргашева. — Бугунги семинар биз учун ҳақиқий тажриба алмашиш ва маҳорат мактаби бўлди.

Дарҳақиқат, юртимиз ке-лажаги баркамол ёшларга боғлиқ. Шу боис туман ма-ҳаллаларида, биринчи галда, ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши ва соғлом улғайишига эъти-бор қаратилмоқда. Тошпўлат Ҳамидов номидаги маҳалла-да ташкил этилган миллий ку-раш тўғрисида 40 нафар ўсмир спорт билан шугулла-ноди. Халқаро тоифодаги спорт устаси Аббос Турсунов мураббийлик қилаётган тўғ-ракнинг 16 нафар ёш кураш-чиси уч-тўрт марта мамлакат чемпионлигини кўлга киритган. Мазкур тўғарақда чинқиёт-ган пахлавонлар нафақат Қизилтепанинг, балки вилоят-нинг фахри ҳисобланади.

Семинар иштирокчилари «Бўлакработ», «Азизобод», «Оқмачит» ҳамда Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб, хат-хўжжатлар, фуқа-роларнинг мурожаатлари билан ишлаш, баённома ва қарорларни тайёрлаш, ижро интизомига риоя қилиш бўйи-ча амалга оширилган ишлар билан ҳам танишдилар.

Тадбир якунида «Маҳал-ла» хайрия жамоат фонди республика ҳамда вилоят бў-лими бошқарувлари ходим-лари янги тахирдаги «Фу-қароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари тўғрисида» ги, «Фуқаролар йиғини раи-си(фасоколи) ва унинг масла-ҳатчилари сарлови тўғриси-да» ги қонунлар ҳамда бош-қа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фуқаролар йиғини фаолиятини ташкил этиш, Фу-қаролар йиғинлари фаолият-ини мувофиқлаштириш бўйи-ча ҳудудий Кенгаши фаолият-и, фуқаролар йиғинлари фао-лияти самардорлигини оши-ришда фуқаролар йиғини раи-си ва ходимлари олдига тур-ган вазифалар, фуқаролар йиғинларига амалий-усlubий ёрдам кўрсатиш, ходимлари-ни ўқитиш, фаолиятларини мувофиқлаштириш бўйича «Маҳалла» фонди туман бў-линимаси томонидан олиб бо-рилоётган ишлар тўғрисида маърузалар қилинди.

Семинар якунида ишти-рокчиларнинг фикр-мулоха-залари, савол ҳамда так-лифлари асосида тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЖАРАЁН

Ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Энг намунали бўлинимаси» танлови бошланди



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Вилоят ташкилий қўмитаси томони-дан танлов ғолибларини аниқлаш бўйи-ча, келишув асосида, Ўзбекистон Хо-тин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тар-ғибот маркази ҳамда бошқа мутасад-ди идоралар ҳамда соҳа мутахассис-ларидан иборат таркибда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим бошқарувлари қошида ҳакамлар ҳайъати тузилади.

Барча қўриқ-танловлардаги каби бу танловни ташкил этиш ва ўтказишда ҳам қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенг-лик тамойилларига риоя қилиш, шу асос-да ғолибларни аниқлаш белгиланган.

Танлов бир босқичда, яъни Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичидан иборат тар-тибда ташкил этилади.

Танловни ўтказиш бўйича Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлим бош-қаруви қошида вилоят ташкилий қўми-талари, «Маҳалла» хайрия жамоат фон-ди республика бошқаруви ҳузурида эса республика ташкилий қўмитаси тузила-ди. Улар танловни ташкил этиш ва ўтка-зиш билан боғлиқ жараёнларни муво-фиқлаштиради.

Ташкилий қўмиталар қарорлари би-лан танлов иштирокчилари ҳужжатла-рини кўриб чиқиш, улар фаолияти би-лан яқиндан танишиш, таҳлил қилиш, очик овоз бериш, тегишли баённома расмийлаштириш орқали уларни баҳо-лаш мақсадида Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳарларида 7-9 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилади.

Танлов иштирокчилари 100 балли тизимда баҳоланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари би-лан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жа-моат фонди зиммасига юклатилган ва-зифалар ижросининг таъминланганлик даражаси, ҳудуддаги фуқаролар йиғи-нлари тўғрисида барча маълумотларнинг мавжудлиги ва уларнинг янгиланиб бо-рилиши, бўлимага ҳамда фуқаролар йи-ғинлари томонидан амалдаги қонун ҳў-жатлари ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ҳам-кор ташкилотлар билан тузилган дас-

бойнида мувофиқлаштирувчи кен-гашнинг 3 та йиғилиши ўтказилиб, уларда амалга оширилаётган ис-лохотларга нисбатан фуқаролар-нинг дахлдорлик ҳиссини кучайти-риш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат назоратини изчил йўлга қўйиш, маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий ва маъна-вий қадриятларни эъзозлаш, улар-ни изчил тарғиб қилиш, халқимиз-нинг энг яхши удум ва анъанала-ри асраш, оммалаштириш чора-тадбирларига доир масалалар муҳокама этилди.

Яқинда ўтказилган йиғилишда

турлар ижросини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар, иш ре-жаларнинг мавжудлиги, уларда белги-ланган чора-тадбирларнинг баҳарилиш самарадорлиги, фуқаролар йиғинлари раислари ва фаолларининг билим ва малакасини ошириш бўйича ўқув-семи-нарларини ташкил этиш, уларда замо-навий бошқарув кўникмаларини шакл-лантириш борасида чора-тадбирлар-нинг тизимли равишда амалга ошири-лаётганлигига қараб баҳоланади.

Шунингдек, бўлимага томонидан ҳудуддаги фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг тизимли равишда амалга оширилаётганлик даражаси, асосий йўналишлар бўйича ко-миссияларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйишда кўрсатаётган услубий-амалий кўмаги ҳам ҳакамлар ҳайъати-нинг диққат эътиборида бўлади.

Танлов иштирокчилари «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ҳудудда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги, Ўзбекистон Республикаси-нинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида», «Бола ҳуқуқлари қафолат-лари тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида», «Вояга ет-маганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Алкоголь ва тамоки маҳ-сулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмолад қилинишини чеклаш тўғрисида»-ги қонунлар ижросининг таъминланган-лиги, шунингдек, маҳаллаларда ҳисоб-китоб юртишнинг қонунчилик талаб-ларига биноан амалга оширилиши, фуқаролар йиғинларининг паспортла-ри ҳамда ҳўжалик(ўй) дафтарларининг мавжудлиги, унинг янгиланган ҳолда олиб борилаётгани, йиғин фаоллари томонидан ҳўжжатларнинг белгиланган тартибда юртилиши ва сақланишига қаратилган чора-тадбирларнинг амал-га оширилаётганлигига ҳам эътибор қаратилади.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан тан-лов иштирокчилари ҳўжжатларини кўриб чиқиш, улар фаолияти билан яқиндан та-нишиш, таҳлил қилиш орқали танлов Ни-зомида белгиланган мезонлар асосида 100 баллик тизимда баҳолаш варақаси тўларидида ҳамда ўринларни аниқлаш бўйича баённома расмийлаштирилади.

Танлов натижасига кўра, энг кўп балл тўлғалган иштирокчилар 1-, 2- ва 3-ўринга лойиқ, деб топилади. 1-, 2- ва 3-ўринни кўлга киритган иштирокчилар-нинг балллари танловда олиниши мум-кин бўлган энг юқори баллнинг 50 фо-изидан кам бўлмаслиги лозим.

Энг кўп балл тўлғалган иштирокчи-ларнинг ёки танлов Низомининг 15-бан-дига кўра, танлов иштирокчиларининг бали танловда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 50 фоизидан кам бўлса, ташкилий қўмита танловни қайта ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Баллар тенг бўлиб қолса, танлов ғолиби энг кўп бир хил балл тўлғалган иштирокчилар орасидан овоз бериш йўли билан аниқланади. Энг кўп овоз олган иштирокчилар 1-, 2- ва 3-ўрин-ларга лойиқ, деб топилади. Овозлар танловни тенг бўлиб қолса, ҳакамлар ҳайъати раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Танловнинг Қорақалпоғистон Респу-бликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 1-ўринни кўлга киритган бўли-мага диплом ва компьютер жамлан-маси, 2-ўринга диплом ва мебель жиҳозла-ри, 3-ўринга диплом ва энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари микдори(мод-дий-техник базасини мустаҳкамлаш учун)-даги пул муқофоти топирилади.

Танлов натижаларини эълон қилиш ҳамда ғолибларни тақдирлаш танта-нали равишда амалга оширилади.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Узоқ муддатли, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик



< [1]

Мамлакатларимиз ўрта-сидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, аввало, Хитой бу-гун Ўзбекистоннинг энг яқин савдо ҳамкорига айланганини эътироф этиш лозим. Айни пайтда Ўзбекистон билан Хи-той ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шерик-лик муносабатлари тўғриси-даги шартнома ҳамда Стра-тегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳалар-да ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асослан-ган ушбу ҳамкорлик муноса-батларининг барча йўналиш-ларини қамраб олган.

Эътироф этиш лозимки, дунёнинг қудратли давлатла-ридан бири бўлган Хитой Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада тинчлик ва бар-қарорлиқни сақлаш йўлида-ги сайй-ҳаркатларига, барча жабҳаларда олиб борилаёт-ган ислохотлар самарадор-лигига юксак баҳо берапти.

Ўзбекистон ва Хитой ҳал-қаро майдонда икки мамла-кат манфаатларига оид энг муҳим масалаларда бир-би-рини сиёсий қўллаб-қувват-лаб, БМТ, ШҲТ сингари ҳал-қаро тузилмалар доирасида-ги ҳамкорлигини тобора кен-гайтириб келмоқда. Иккала мамлакатнинг қўллаб-қувват-қавий ва ҳалқаро муаммо-ларни ҳал этиш бўйича ёнда-шувлари бир-бирига ўхшаш ва жуда яқин. Жумладан, Ўзбекистон ва Хитой Афғо-нистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмас-лигини, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида му-зокаралар ўтказиш ва қара-ма-қарши қучлар ўртасида мurosага эришишни ягона тўғри йўл деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳам-корликнинг қўллаб соҳала-рида бўлгани сингари мам-лакатимиз ва Хитой Халқ Рес-публикаси ҳар икки мамла-кат парламентлари ва таш-қи сиёсий идоралари ўрта-сида, шунингдек, инсон ҳу-қуқларини ҳимоя қилиш со-ҳасида ҳам фаол ҳамкорлик-ни йўлга қўйган. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати би-лан Бутунхитой Халқ Вакил-лари Мажлисининг Доимий қўмитаси ўртасида Ҳамкор-лик тўғрисида меморандум имзоланди. Ўзаро ҳамкорлик

доирасида икки мамлакат ташқи сиёсий идоралари ўртасида 2004-2013 йиллар-да 10 марта сиёсий масла-ҳатлашувлар бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам ақсарият масалаларда ҳар икки мамлакатнинг нуқ-таи назори бир-бирига мос келишини таъкидлаш зарур. Аввало, ҳар икки давлат уй-ғун тароққиёт модели асоси-да инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалани конституциявий даражада мус-таҳкамлаган. Қолаверса, ин-сон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни таъсис этиш ва ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришилди. Жум-ладан, Хитойдаги инсон ҳуқуқ-ларини ўрганиш жамияти ва Инсон ҳуқуқларини ривож-лантириш бўйича Хитой жам-ғармаси ҳамда Ўзбекистон-даги Инсон ҳуқуқлари бўйи-ча Миллий марказ ва Ом-будсман бунга мисолдир.

Ҳар иккала мамлакат БМТнинг Мингйиллик ривож-ланиш мақсадларига эри-шишга катта аҳамият бер-моқда. Мингйиллик ривожла-ниш мақсадларини амалга ошириш учун ушбу мамла-катлар Ҳукуматлари томони-дан фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахбо-рот воситалари билан мус-таҳкам ҳамкорликда Минг-йиллик ривожланиш мақсад-лари кўрсаткичларига эри-шишга йўналтирилган бир қанча чора-тадбирлар ва дастурлар қабул қилинди.

Шуниси эътиборлики, 2008 йилдан бошлаб ўтказилди-ган инсон ҳуқуқлари бўйича барча Пекин анжуманлари-да юртимиз вакилларининг иштирок этиши мамлакатла-римиз ўртасидаги инсон ҳу-қуқлари соҳасида фаол ва изчил мулоқотнинг тасдиғи-дир. Олтинчи Пекин анжума-ни доирасида Хитой инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамия-ти ва Инсон ҳуқуқлари бўйи-ча Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида Ўзаро тушуниш тўғрисидаги меморандум имзолангани ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг юқори натижасидир.

Хулоса қилиш мумкинки, Хитой давлати ва мамлака-тимиз ўртасидаги дўстона му-носабатлар нафақат Осиё қитъасида, балки бутун дунё-даги тинчлик ва ҳавфсизлик-ни сақлашдек хайрли мақ-садларга хизмат қилади.

ҳимоя қилиш жамиятига масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кенгаш фаолияти бу билан чекланмайди. Таҳлилларга кўра, фуқароларнинг ижтимоий фаолли-гини оширишда маҳалланинг ўрни кўпчилик ҳисобидан, фаол-ларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, билим ва малакасини, ҳуқуқий моданиятини кучайтириш, замонавий бошқарув кўникмала-рини шакллантириш ҳамда фуқа-ролар йиғинларига услубий-амалий кўмаклашиш борасида ҳам мувофиқлаштирувчи кенгаш энг яқин ҳамкор сифатида жонбозлик кўрсатапти.

Тарбиянинг энг ишончли ва синалган усули

Жиззах туманининг Қўлама қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда хунармандчиликни ривожлантириш, ёшларнинг қизиқишини орттиришга эътибор қатта. Бунини қишлоқдаги 36-сон умумтаълим мактабининг 8-синфи ўқувчиси Бунёд Зоиржонов эришган ютуқларида ҳам кўриш мумкин.

■ Бек НАЗАР «Mahalla»

Беш йилдан буён ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганаётган ўн беш ёшли Бунёд ясаган нақшли стол-стул, шахмат тахтаси, турли ҳажмдаги кўтилар, лаган каби буюмларнинг ҳаридорлари кўп.

У турли кўрик-танлов ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этади. Жумладан, 2011 йилда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи совриндори, 2011-2013 йилларда «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичида «Йилнинг энг ёш хунарманди» номноацияси ёлиби бўлди. Ўтган йили октябрь ойида Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш истиқболлари» кўргазмаси, декабрдаги «Мустақил юрт хунармандлари» V кўргазмаси дипломлари билан тақдирланди. Айни вақтда икки нафар укасига ва қишлоқнинг бир гурӯҳ ёшларига ёғоч ўймакорлиги хунарини ўргатаётир.

Болада хунарга меҳр ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бунда, аввало, қадим анъаналарнинг ўрни катта. Тумандаги энг йирик аҳоли манзилларидан бири — бешта маҳалласида 20-минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган Қўламада хунармандчиликнинг барча турлари ривожлангани туфайли одамларнинг турмуш фаровонлиги ошаётир ва айни пайтда ёшларнинг барқамол бўлиб вояга етказишда, меҳнатга меҳр қўйишида касбга қизиқиш муҳим тарбия воситасига айланган.

Хунармандчилик қишлоқ ободлигини ҳам таъминлаётир. Бунга қишлоқ кўчаларида саф тортган дўконлар, устоналар, хунармандчи-

лик расталарини кўриб ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ака-ўка Аширматовларнинг сандиқсозлик дўконларида тўрт нафар доимий ишчидан ташқари, фарзандлари, жиянлари қотори ўнга яқин ёш касб ўрганаётир. Шунингдек, Туроповларнинг кулчилик цехида ҳам қадимий касб сирларини ўрганаётган болалар талайгина. Йигирмадан зиёд аёл иш билан банд бўлган зардўзлик, кошачилик, тикувчилик, қондолатчилик устоналарида ҳам кўплаб шогирдлар хунар эгаллашмоқда. Улар кўмағида қишлоқ қабристонини ободонлаштирилди, дарвозаси пештоқига нақшли кошларни ўрнатилди. Дуррадор усталор фуқаролар йиғини идорасини таъмирлашда ёрдам беришди. Кам таъминланган, ёлғиз қарияларга кўмак кўрсатишда хунармандларнинг улуши салмоқли бўлаётир.

— Худудимизда хунармандчиликнинг йигирмадан ортиқ тури билан 50 нафардан зиёд киши мунтазам шуғулланаётир, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Насрулло Файзуллаев. — Айниқса, кулчилик, ёғочсозлик, каштачилик, зардўзлик, сандиқчилик билан машғул хунармандларимиз ёшларни жалб этиб, ўз касблари ривожига ҳисса қўшиб келишмоқда. Фуқаролар йиғини қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиямиз аъзолари усталор учун қўлай шaroитлар яратишда, уларни хунармандлар уюшмасига жалб этишда, «устоз-шогирд» оъанасини кенгайтиришда яқиндан кўмак бериб келаётир.

Қишлоқда тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётгани, шубҳасиз, давлатимизнинг ушбу соҳа ривожига қаратаётган улкан эътибори самарасидир.

Ташаббус кўп, имконият кенг, муваффақият мўл



Уста-хунарманд Жасурбек Рашидов Балиқчи туманининг «Чинобод» маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Унинг яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятини йўлга қўйиб, мебель буюмлари ишлаб чиқара бошлаганига тўрт йил бўлди.

■ Нурилло НЎМООНОВ. Андижон вилояти.

Дастлаб стол-стул ясаш билан шуғулланган хунарманд кейинчалик вилоятдаги тажрибали усталор ҳамда «Хунарманд» уюшмаси вилоят бўлими билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиб, замонавий бичимдаги меbellар ясай бошлади.

Айни пайтда 30 турдан зиёд чиройли, бежирим ҳамда ҳамёнбой уй ява офис жиҳозлари хариддорларга тақдим этилаётир. Яқинда тадбиркор фаолият қўламини кенгайтириш мақсади борлигини, янги бино қуриш учун маҳалла ҳудудигаги қаровсиз ердан фойдаланишга кўмак беришларини сўраб йиғин фаолларига мурожаат қилди. Йиғин қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия ушбу масалани ижобий ҳал қилди.

Дарҳақиқат, «Чинобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиясида айни шу йўналишда муайян тажриба тўпланган. Хусусан, комиссия соъҳаракати билан фуқаролар йиғини аъзолари томонидан аҳолининг оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррондачилик, деҳқончилик ҳамда шахсий томорқа хўжали

лиги билан шуғулланиш маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, ташаббусдорларни қўллаб-қувватлаш, ишга лавқатли фуқароларни аниқлаб, билими, маъласи ва қизиқишига қараб бандлигини таъминлаш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ҳафтанинг бир кунинда мазкур комиссия аъзоларининг ҳудуддаги тадбиркор ва хунармандлар билан учрашувини ташкил этиш йўлга қўйилган.

Одилжон Қамбаров банкнинг имтиёзли кредит маблағи ҳамда йиғин кўмаги билан оилавий қорхона ташкил этиб, қондолат маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Дастлаб 4 хил маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга тақлиф этди, кейинчалик маҳсулотлар турини кўпайтирди. Тадбиркор фаолиятини кенгайтириш учун банк хизмати ва кредит билан боғлиқ масалаларни қисқа муддатда ҳал этишда комиссия аъзоларининг кўмағи таянди. Айни пайтда қондолат маҳсулотлари тури 25 тадан ошиб, маҳалланинг 12 нафар аҳолиси меҳнатга жалб этилди.

Қисқа вақт мобайнида комиссия фаоллари кўмағида Адҳамжон Қўқорқов асаларчилик, Улугбек Акбаров пичоқчилик, Баҳромжон Ҳоҷиматов мебель буюмлари тайёрлаш, Улугбек Раҳматов қолипчи нон ишлаб чиқариш, Гафур Тўйчибоев қондолатчилик йўналишида самарали натижаларга эришдилар.

Бундан ташқари, ҳудудда аҳолининг

томорқалардан унумли фойдаланиш орқали оилавий бизнесни йўлга қўйиш бўйича ҳам бой тажриба тўпланган. Хусусан, Шарофиддин Ҳамидов, Исомбек Юсупов ҳамда Абдуллоҳжон Тошмирозевлар томорқада иссиқхона ташкил этиб, рўзгор бутлиги, дастурхонлар тўқинлигига баракали улш қўшмоқда.

Хунарманд Садбархон Кенжаева маҳалладаги тикиш-бичишга ўқуви бор ўн нафарга яқин хотин-қизини касаначиликка жалб этди. Айни пайтда улар уй юмушлари ва фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда оилавий бюджетига ўз ҳиссаларини қўшаётирлар. Сўнгги икки йилда маҳалланинг 16 нафар аёли Садбархон сингари касаначи сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, ўзлари мустақил фаолият юритаётирлар.

Мазкур туманнинг «Сарнаул» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Йиғинимизда 560 та хонадон орасида тадбиркорликнинг турли йўналишларида фаолият юритаётганлар талайгина, — дейди йиғин раиси Жаҳонгир Қорабоев. — Йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзолари уларга ёрдам бериб келади. Айниқса, тадбиркорлиқни энди бошлаган фуқароларга йўл-йўриқ, кўрсатма ва tavsiyalar беришда комиссиянинг ҳиссаси катта.

Мазкур комиссия аъзоси Абдурахим Азизов бир неча йилдан бери маҳалла ёшларига хунар ўргатаиб келади. Ҳозирда уста 8 нафар шогирди билан ёғочдан эшик-деразалар ясаб, хариддорларга тақдим этаётир. Маъмуржон Сатторов эса олимон эшик-роқлар тайёрлашни бошлади.

Аҳоли томорқачилик билан ҳам шуғулланади. Қўкламнинг илк кунларида ноқ томорқага экиладиган экин турлари маҳалла фаоллари ёрдамида аниқланиб, сифатли уруғ ва ўсимлик кўчатлари етказиб бериш ҳудуддаги уста-миришкорлар зиммасига юклатилди. Жумладан, Ойбек Мусақулов, Рустам Худайеров, Санжар Ҳоҷимов, Шокир Тўйчиев ердан унумли фойдаланиб, бир мавсумда уч марта ҳосил олишда катта тажрибага эга.

Шўҳрат Иззатиллаев йиғин кўмағи ҳамда банкнинг мақсади кредити эвазига қаровсиз жойда сунъий ҳовуз барпо этиб, балик етиштирмоқда. Бу ташаббуси билан у маҳалладошлардан 7 нафарини ишли қилди. Мухим, парваришланаётган баликлар маҳалла аҳоли етиҳёжини қондириб бораётганда вилоят марказида ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаларига ҳам арзон нархларда етказиб берилляпти. Зофар Мамадалиев ҳамда Алимардон Қамбаров сингари тадбиркорлар ҳам бугун балик етиштириш борасидаги илғор тажрибаларни амалда қўлламоқда.

Бир сўз билан айтганда, тумандаги ҳар бир маҳаллада амалга оширилаётган бундай мақсадли соъҳаракатлар пировард натижада ҳудуд иқтисодиётининг ўсишида, аҳоли фаровонлиги юксалишида муҳим омил бўлаётир.

Озода ва саришталик — дилдаги туйғу

Қишлоқ жойларида ҳар қарич ер ҳисобда. Шу боис Пешку туманидаги Дўрмон қишлоғи аҳолиси маънавий чиқиндиларни ҳудуддаги зовурга ағдаришарди.

■ Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

Бунинг оқибатида тўпланган чиқинди уюми сизот сувлари чиқарадиган йўлларни тўсиб нафакат аҳоли пункти, балки бутун «Боғимусо» маҳалласида деҳқончилик ишларига зиён етказарди.

Нихоят маҳалла раиси Ахтам Холов ҳамда йиғиннинг Экология ва табиати муҳофазаси қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича комиссияси ташаббуси билан ҳашар йўли орқали зовур тозаланди.

— Зовурни тозалаш билан бирга, қишлоқ чеккасида бетон тўсиқлардан алоҳида чиқиндиҳоналар барпо қилдик, — дейди комиссия раиси Имом Усмонов. — Эндиликда туман ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидидаги техникалар ҳар ҳафтада чиқиндиларни ташиб кетмоқда. Албатта, бу ишларимиз ҳудуд ободончилиги, кўркамчилигини таъминлаш ҳамда сизот сувларини барқарор этиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим омил бўлаётир.

Айтиш ҳожики, деҳқончилик ва боғдорчилик маданияти бирмунча ривожланган «Боғимусо» маҳалласидаги хонадонларда мевали дароҳат ўтказиш оъанатига айланган. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4200 нафардан зиёд аҳоли истикомат қилётган 1050 та оила аъзолари беш миңг тупдан зиёд мевали, йўл ва ариқ бўйларидан эса 2600 туп манзарали дароҳат кўчатлари ўтказилди.

Кўкаламзорлаштириш тадбирларида ҳаво таркибини яхшилатишда қишлоқ аҳоли ифлосланишига йўл қўймайдиган, иқлолашишни қучатирадиган, шовқинни қамайтирадиган ва фитонцидлик хусусиятига эга дароҳат

нихолларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқнинг барча ички йўллари, анорларнинг икки томони тўтзор. Зоҳиран қараганда фақат ипак кўрти етиштириш учунгина парваришланаётган тут буталари қишлоқ микроклими барқарорлигини, экологик муҳитини яхшилашда алоҳида аҳамиятга эга.

Чўчки биринчидан, тут заҳни ўзига тортиб, ер унумдорлигини оширади, иккинчидан, ариқ бўйларига ўтказилган дароҳат илдизлари қирғоқ тўплогини мустаҳкамлаб, сув ювиб кетишидан асрайди, борглари орқали кистород етказиб беради. Тўтзор қаторларининг асосий фазилати эса, очик майдондаги экинларни чўл иқлимига ҳос гармселдан асровчи «яшил қалқон» вазифасини бажаришидир.

— Ўтган куз-қиш мавсумининг одатдагидан совуқ келиши туфайли айрим кишиларнинг тут буталарини чопиб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилди, — дейди И.Усмонов. — Тезда комиссиямиз аъзолари билан аҳоли орасида ҳудуддаги ҳар бир дароҳат, ҳар бир бутанинг қишлоқ экоклиминини таъминлашдаги ўрни ҳақида тушунириш ишлари олиб бордик. Шунингдек, туман ҳокимлиги кўмағи билан аҳолига арзон нархларда кўмир етказиб берилади.

Яна бир гап. Комиссия расисининг айтишича, маҳаллада ҳар бир хонадонда томорқа майдонлари бўлса-да, баъзи уй соҳибларининг баҳоналари билан яқин-яқингача салмоқли майдонлар эжимласдан қоларди. Жорий йил баҳорда маҳалладаги илғор деҳқонларни томорқасидан унумли фойдалана олмаётган хонадонларга бириктирилди. Натияжада уларнинг ташаббуси билан экин майдонларида полиз маҳсулотлари баравар ўсмоқда.

Амалий ёрдам асқатмоқда

Ўзбекистон Миллий университетининг 3-босқичида шартнома асосида таҳсил олаётган Шаҳло-хон Кубаевнинг қувончи чексиз. Чўчки у талаба бўлишига қарамай, ишга жўйлашиш афрасида.

■ Улўбек ШОНАЗАРОВ.

— Шартнома асосида таълим олаётганим сабабли ота-онамга рўзгор тебратиб бироз қўйин бўлаётганим сезардим, — дейди Шаҳлохон. — Эндиликда ишга жўйлашиб, шартнома пулининг маълум қисмини ўзим тўлаш имкониятига эга бўлдим. Маҳалла кўмағида бўш иш ўринлари ярмаркасида иштирок этиб, Гидрометеорология марказига ишга қабул қилидим.

Оилапарлар тадбиркорлик йўналишида тавсиялар ва амалий кўмак бериш орқали аҳоли бандлигини таъминлашда фуқаролар йиғинлари фаоллари ва ҳудуддаги тадбиркорларнинг ижтимоий шериклиги асосида иш олиб бораётгани мақсадаги мувофиқдир.

— Йиғинимиз аҳолисининг маҳалла ҳаётидаги фаол иштироки бизни қувонтиради, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Белтепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Доноҳон Файзиева. — Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш маркази ҳамкорлигида ёрдамга муҳтож, ишга лавқатли, аммо банд бўлмаган аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш бўйича муайян чоралар кўрилкоқда. Жорий йилнинг март-апрель ойлари мобайнида «Ишга жўйлаштириш кўни» тадбирлари ўтказилди. Натияжада 12 нафар ишсиз фуқародан 4 нафари иш билан таъминланди.

Маҳалла ақлининг асариятини ёшлар ташкил этади. Уларни касблари бўйича ишга жўйлаштириш ҳам йиғин фаолларининг доимий эътиборида. Ҳудудда жойлашган Транспорт касб-хунар коллежи билан йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида жорий ўқув йилида коллежини битирган 118 нафар ёшнинг 22 нафари доимий иш билан таъминланган бўлса, 57 нафари ишлов чиқариш ва хусусий тадбиркорликнинг турли соҳаларига йўналтирилди.

Ижтимоий муҳофаза: бандлик — самарали ва истиқболли омил



Аҳолини иш билан таъминлаш ижтимоий муҳофазанинг энг самарали ва истиқболли омил сифатида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

■ Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган «Тошкент шаҳрида иш ўринларини яратиш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ва банд бўлмаган

аҳолини иш билан таъминлаш масалалари» мавзусидаги матбуот анжумани бу борадаги долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Айни пайтда «Тошкент шаҳрида 2014 йилда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ишчи гуруҳлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда қорхоналар ҳамкорлигида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, дастурга асосан 2014 йилда Тошкент шаҳрида 6 та йўналиш бўйича 91 мингтага яқин иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бунинг учун янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қорхоналарни кенгайтириш ва қувватларини ошириш; кичик қорхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш; яқка тартибдаги тадбиркорлиқни, уй меҳнатининг барча шакллари, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш; ишламоётган қорхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш лозим бўлади.

Жорий йилда ҳудудий дастурга асосан 28018 та иш ўрни ташкил этилиши белгиланган бўлиб, амалда 29361 та иш ўрни яратилди. Бунга мувофиқ Тошкент шаҳрида ўн мингта яқин ишсиз фуқаро туманлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказлари орқали ишга жўйлаштирилиш, 3 миңг нафардан зиёд банд бўлмаган аҳоли қайта касбга тайёрланиши, 500 нафардан зиёд ишсиз фуқаро жамоат ишларига жалб қилиниши ҳамда 121 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, туман ҳокимлари қарорларига мувофиқ, ижтимоий Ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами учун 2322 та қорхона ва ташкилотда 21 миңдан зиёд иш ўрни

заҳираси яратилган. Амалга оширилаётган соъҳаракатлар натижасида айни пайтгача 2814 нафар банд бўлмаган аҳоли иш билан таъминланди, 1175 нафар фуқаро қайта касбга тайёрланди, 25 та меҳнат ярмаркалари ташкиллаштирилди.

Шунингдек, ҳудудий дастурни амалга ошириш доирасида таълим муассасалари битирувчиларини ишга жўйлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йил Тошкент шаҳри бўйича 79 та касб-хунор коллежини 35500 нафар ўғил-қиз тамомлайди. Айни пайтда 90 фоиз битирувчиларнинг қорхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартнома имзолашига эришилди ва уни назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилди.

Маълумотларга кўра, яратилган иш ўринларининг 75 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобига тўри келади. Бунда, албатта, фуқароларни тадбиркорликка жалб этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳиссаси бекиёс.

— Худудимизда 475 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Аҳрор Ғуломов. — Ҳар бир йиғин биносида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни қизиқариш ва мутахассислиги бўйича ишга жўйлаштириш мақсадида «меҳнат бурчаги» жорий этилган бўлиб, унда бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар ҳар ойда аниқланиб турила-

